Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 11-yanvar. Shanba • 5 (31.752) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Адилов Мирсамад** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Арипов Шамсиддин Сайфиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Камалов Атабек Мадамбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**Норпулатов Шухрат Шерпулатович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Чернишев Дмитрий Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жолшимов Ринат Дариябаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ипалиев Шокир Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузибоев Бехзод Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ташпулатов Турсунпулат Турсунюлдашевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Тоиров Санъат Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Умрзоков Абдурашид Абдухалилович (марҳум)** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальони милиционер-кинологи

**Халилов Содиқ Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хратов Рауф Ходиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Элмуротов Жахонгир Умурзакович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*Давоми 2-бетда.*

# Эл-юртга садоқат рамзи

## 12 январь — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги, тактик маҳоратини ошириш, кадрлар сифатини яхшилаш, армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ихчам, тезкор, замонавий қуролларга эга миллий армиямиз шакллантирилди.**

Ҳарбий соҳада ўтказилган ислоҳотлар — ҳарбий хизмат муддатининг бир йил қилиб белгилангани, ҳарбийга чақириқнинг бир йилда бир марта ўтказилаётгани, сафарбарлик-чақирув резервининг жорий этилгани, сержантлар тайёрлаш тизимининг шакллантирилгани, ҳарбий қисмларнинг тавсияномасини олган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда берилаётган имтиёзлар, ҳарбийларнинг уй-жой ва бошқа шароитларини яхшилаш мақсадида кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳарбий хизматнинг нуфузини беқиёс даражада оширишга хизмат қилаётир.

► *Давоми 2-бетда.*

**МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**

*Ҳозиргача 654 та мурожаатда кўтарилган масалалар ижобий ечимини топган.*

# Электорат вакиллари фикр-мулоҳазалари

## партия дастурини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга

**Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзий» маҳалласида 8000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Оилалар сони эса 1500дан ошди. Маҳалладаги ЎзХДП ҳудудий ташкилоти манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса ва ногиронларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббус кўрсатиб келмоқда.**



► *Давоми 3-бетда.*

**ЎзХДП: устувор вазифалар**

# Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда

## партия ташкилотларининг вазифалари







**Тажриба кўрсатмоқдаки, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни сиёсий партияларнинг фаол иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тараққиётимизнинг бугунги босқичи сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги иштирокини кучайтиришни талаб этмоқда.**

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур,** дея таъкидлади.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашида ташкил этилган семинарда ана шу вазифани ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари, партия маҳаллий кенгашлари раислари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди.

► *Давоми 3-бетда.*

**«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг**

**Сиёсий партиялар фаоллиги кучайиши**

**юрт тараққиётига хизмат қилади**



**МЕН НЕГА ЎзХДПНИ ТАНЛАДИМ?**

*Сиёсий кучнинг етакчилари, фаоллари фидойи бўлса, ўша партиянинг таъсирчанлиги ошади.*

# Ғоялари халқчил, фаолияти таъсирчан

## *сиёсий партия аъзоси эканимдан фахрланаман*

**Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири тарафдорлари кўпайишига, мавқеи мустаҳкамланишига ҳаракат қилаяпти. Қайси партия қандай ғояни илгари сураётгани, қандай муаммоларни ҳал қилаётганига қараб, одамлар унга тарафдор бўлади, аъзо бўлиб сафига киради.**

Мен ҳам 18 ёшга тўлиб, қайси сиёсий партияга аъзо бўлсам экан, деб ўйлаб юрганимда, туманимизда битирувчиларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ тадбир ўтди. Унда ЎзХДП Янгиобод туман кенгаши фаоллари иштирок этишди ва бош-қош бўлишди. Кейинчалик шу партиядан сайланган кўп депутатлар ёшлар бандлиги билан боғлиқ масалалар билан шуғулланаётганини кўрдим. Ишга жойлашиш коллежни битираётган ёшлар олдида турган энг муҳим масалалардан бири. ЎзХДП биз учун ниҳоятда муҳим бўлган ҳаётий масалани кўтариб, бу борада кўпгина амалий ишлар қилаяпти. Ҳар доим биз ёшларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлаётган ХДПга аъзо бўлсамчи?.. Шу ўй билан ЎзХДП туман кенгаши раиси Бекмурод Жўрамуродов ҳузурига бордим. У киши фикрларимни эшитиб, қўлимга партия Дастурини тутқазди. Танишиб чиқинг, партиямизнинг ғоялари сизга маъқул бўлса, яна бир бор ўйлаб кўриб, кейин ариза берарсиз, деди.

Дастурни ўқиб чиқдим. Партиянинг мақсад ҳамда вазифалари маъқул тушди ва ўрним айнан шу партия сафида, деган тўхтамга келдим. ЎзХДП сафига қабул қилишларини сўраб, ариза бердим.

Ёш бўлишимга қарамасдан, сиёсий партияларнинг фаолиятига чуқурроқ эътибор бера бошладим. Ҳозир шунга иқрор бўлдимки, қайси партия ҳаракатчан, ташаббускор бўлса, одамлар орасида ўша партиянинг обрўси, мавқеи шунча юқори бўлади. Сиёсий кучнинг етакчилари, фаоллари фидойи бўлса, ўша партиянинг таъсир доираси кенгаяди.

Одамлар партияларнинг амалий ишларига қараб баҳо беришаяпти. Бундай амалий ишлар назаримда бизнинг партияда кўпроқ ва самаралироқ бўлмоқда. Шунинг учун ана шу партия сафида эканимдан фахрланаман. Келгусида партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

**Нодиржон ҲАСАНОВ,**
**Жиззах вилояти, Янгиобод агросаноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси.**

**ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан Қибрай туманида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

*Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.*

# 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуразаков Акмал Бахрамович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Абдуразаков Сарвар Ильхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахимов Асом Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахманов Марат Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аскаров Азиз Насвалиевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Балтаев Мансур Равшанбекович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Бекмирзаев Мансур Комилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

**Бердиев Ойбек Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

**Бобокулов Яркин Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Валламов Нигматилла Гайратович** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш махсус отряд қутқарувчиси

**Дурдиев Йўлдош Омонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иброхимов Нозимжон Осимжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Илхамов Дилмурод Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ишназаров Алишер Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Кадиров Абрарбек Муродович** — Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Каримов Сулаймон Нормуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

*Давоми. Боши 1-бетда.*

**Матсафаев Нурбек Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мурадов Акрам Салимджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухаммадиев Нодирбек Бекмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Насридинов Аҳадхон Аълохонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отамуродов Азамат Раҳимович** — Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» чегара божхона комплекси бошлиғи

**Рахмонов Бахтиёр Махмудович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ катта мутахассиси

**Рузметов Раматжон Ниёзматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби бўлинма бошлиғининг ўринбосари

**Сагдуллаев Фуркат Шукурулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби ходими

**Садиков Саид Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Саидмурадов Алишер Базарбаевич** — Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Сатилов Дилшоджон Хайиталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби хизмат бошлиғи

**Тилаболдиев Шухратжон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Турдиев Нодиржон Кобилжонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Умаров Рустам Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уразметов Икрам Тулабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уралов Абдумавлан Атабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Хажимирзаев Ёкубжон Фазилжонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ҳакимов Қахрамон Норбўта ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Умидбек Тиловолдиевич** — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Холматов Бобир Эркинович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Худайкулов Ёлкин Азизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худанов Талъат Ойбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чориев Сирожиддин Даутович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамурадов Отабек Турсунпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Изатулла Рихсиваевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуразаков Муратали Юлчибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Абдураимов Ойбек Кошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Аскаров Султонбек Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ачилов Латиф Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бош мутахассиси

**Бекназаров Фазлиддин Хужаназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Бозоров Рустамжон Иброхим ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джураев Фархад Эшбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Исаков Дилшодбек Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Қобилов Беҳзод Бекмуродович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Комилов Ферузбек Садиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мадаминов Умидбек Марифжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Мажидов Сухроб Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мажитов Акмал Абдикромович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Маллаев Искандар Маматмусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Махамадиев Элбек Турдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мирзаханов Анасжон Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Наркабилов Батир Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Очилов Акбар Ҳожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Ражаббаев Адилжон Нигматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Расулов Хусниддин Хашимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Сагитов Фанис Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Санакулов Жахонгир Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Саттарова Матлуба Каршиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Акбар Янгибаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Тоштемиров Мухамадали Шералиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Туляганов Фархад Валижанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Файзуллаев Мансур Ҳусанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Шухрат Баходирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Хидиров Мирҳожиддин Сунатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ходжиев Рустамжон Амонович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эгамбердиев Хасан Сунатиллаевич** — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий суди раиси

**Юнусов Элмурод Зохиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Куралбай Конгратбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Абдужобборов Бахтиёржон Дастонбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Авазов Фарход Рахматуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Атнабаев Марсель Ражапович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Бойко Ольга Викторовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гулямов Зохид Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Джангибаев Хасан Уролович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Дружинина Нина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош муҳандиси

**Жабборов Алишер Гаппорович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти ҳарбий-техник тайёргарлиги марказининг устаси

**Ибрагимов Аброрбек Махаммадкомилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Инамов Жасур Асатович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Иноятов Ботир Рахматович** — Термиз ҳарбий суди раиси

**Каримов Тохир Тулкунович** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Касимов Бахтиер Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлим бошлиғи

**Косимов Ойбек Мадаминхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Муйдинов Акмал Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Муратов Алишер Турапович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах автомобиль мактабининг устаси

**Резниченко Артур Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**Рузиматов Бобур Садиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сапаров Одил Нодирқулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суханов Насим Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Тураев Ботир Чоршанбиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хайдаров Шавкат Бозарович** — Самарқанд ҳарбий прокурори

**Худойкулов Сабриддин Наврузович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамудинов Шарафиддин Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

**Шарапов Жамил Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шодиев Анваржон Эргашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм назоратчилар взводи секция командири

**Шукуров Шахобиддин Тилляевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Эркабоев Рахматилла Файзиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Жавхар Ғофирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси бошқармасининг ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 10 январь*



# Эл-юртга садоқат рамзи

## 12 январь — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун

Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» монументи Ватан ҳимоячилари шарафига ўрнатилган гўзал обида, эл-юртимизнинг уларга чуқур ҳурмат-эҳтироми, муҳаббатининг ифодасидир.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган бу мажмуада жасур аскар давлатимиз байроғини

◀ *Давоми. Боши 1-бетда.*

кўзига суртиб, Ватан ҳимояси учун, жонажон юртимизнинг ҳар қарич ерини асраш учун тиз чўкиб қасамёд қилаётир. Унинг елкаси узра мард ва жасур ўғлонни бағрида авайлаб ўстирган Ватан тимсоли — мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Халқимизда «Йигитнинг лафзи ҳалол бўлсин» деган нақл бор. Бу йигит киши сўз бердими, гапида турсин, ваъдасига вафо қилсин, деган маънони англатади. Биз ориятни, номусни, ғурурни ҳамма нарсадан устун қўядиган, бир сўзли халқмиз. Шундай экан, бизнинг фарзандларимиз — Ватан ҳимоячиларининг қасамёд қабул қилиш маросими шунчаки расмий тадбир эмас. Бу асл ўғлонларимиз, мард ва жасур йигитларнинг ўз халқига, Ватанига, ота-онасига, Президентига бераётган ваъдаси, лафзидир.

Ватан ҳимоячилари куни нафақат ҳарбийлар, балки бутун халқимизнинг улуғ байрамидир.Чунки дунёда Ватан ҳимоясидан муқаддас, шарафли иш йўқ. Бу байрам ёшларимизни юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга, мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг муносиб давомчилари бўлишга даъват этишга хизмат қиладиган гўзал тадбирдир.

«Ватанга қасамёд» монументи пойидан йил давомида гулчамбарлар аримайди. Байрам муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Улар орасида мамлакатимиз ҳарбий қисмларида йигитлик бурчини ўтаётган аскару офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, пойтахтимиз меҳмонлари, хорижлик сайёҳларни кўриш мумкин.

— Бу монумент ёшларимизни эл-юртга садоқат руҳида, мард ва жасур инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти «Маънавият асослари» кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Ўктам Мавлонов. — Шу боис ҳар сафар мазкур монумент зиёратига келганимда қалбимда улуғ туйғулар жўш уради.

— Ҳарбий билим юртимизда пухта билим олиб, спорт билан шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Алишер Долиев. — Мен назарий ва амалий машғулотларда устозларимдан ҳарбий сабоқларни қунт билан ўзлаштиришга ҳаракат қиляпман. Орзуим — Ватанимга садоқат билан хизмат қилиш.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи — ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушунишидир.

«Ватанга қасамёд» монументи зиёратига келган ҳар бир юртдошимиз қалбида ана шундай туйғулар жўш уриши табиийдир. Зеро, Ватан ҳимояси учун шу заминда яшаётган инсонларнинг барчаси масъулдир.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

*Ҳозиргача 654 та мурожаатда кўтарилган масалалар ижобий ечимини топган.*

# ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

## партия дастурини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга







Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

**Бу йил лойиҳа доирасидаги тадбирларда соғлом бола тарбияси билан боғлиқ масалалар алоҳида эътиборда бўлиши керак, деб ўйлайман. Чунки болаларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиши у ўсиб-улғаяётган маҳалладаги муҳитга ҳар томонлама боғлиқ эканини яхши биламиз.**

Маълумки, аҳолини манзилли ижтимоий муҳофаза қилишда маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта. ЎзХДП томонидан 2012 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси ана шу мақсадга қаратилган. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги тадбир «Шофайзий» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар, туман партия кенгашлари фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар маҳалла институти тобора ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб бораётгани, ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд кишилар, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, уларнинг бандлигини таъминлаш масаласида кўплаб ютуқлар қўлга киритилаётганини таъкидлашди.

Кези келганда айтиш керакки, ўтган йили мазкур лойиҳа доирасида Тошкент шаҳридаги тадбирларда пенсия, нафақалар тўлаш, иш ўринлари ташкил этиш ва бошқа ижтимоий масалалар бўйича 819 та мурожаат ва таклиф келиб тушган. Ҳозиргача 654 та мурожаатда кўтарилган масалалар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи иштироки ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ижобий ечимини топган. Бошқа таклифлар юзасидан ишлар давом этмоқда. Маҳаллаларда аҳоли орасига чуқур кириб боришда, уларнинг ўй-фикрлари, электорат манфаатлари билан боғлиқ турли ижтимоий масалаларни батафсил ўрганишда лойиҳанинг самараси катта бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
***ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:***

— ЎзХДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган масалаларни чуқур ўрганиш, уларнинг ечими бўйича маҳаллий ижро ҳокимияти ва мутасадди корхона-ташкилотларга муқобил таклифлар киритишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирлар бунда муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

Аммо кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг бугунги босқичида амалга ошираётган ишларимиз етарли эмас, албатта.

Президентимиз Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партиялар фаолияти, мамлакатнинг бундан кейинги ҳаёти, тараққиётини таъминлашда уларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида билдирган фикрлари сиёсий партиялар зиммасига янада масъулият юклайди. Партиямиз мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этиш жараёнида фаол иштирок этмоғи лозим. Электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида кўплаб ташаббуслар, муқобил таклифларни илгари суришимиз, партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик гуруҳларимизнинг фаолиятини изчил такомиллаштириб боришимиз зарур.

**Алишер СОДИҚОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Ҳақиқатан ҳам сиёсий партиялар, парламентнинг ролини янада кенгайтириш, шу орқали демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш долзарб аҳамият касб этаяпти. Шу маънода, партиямиз, хусусан, парламентдаги фракциямиз фаолиятини янада кучайтириш талаб этилмоқда. Бунга эришиш кўп жиҳатдан партиямизнинг лойиҳалари самарадорлигига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун лойиҳа доирасидаги ҳар бир тадбирдан амалий натижа бўлишига эътибор беришимиз, электорат вакиллари фаол иштирокини таъминлашимиз лозим бўлади.

Электорат фикр-мулоҳазалари ва таклифлари фракциямиз ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ишга масъулиятини кучайтиришда, партия электорати манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайди.

**Назокат РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
***ЎзХДП фаоли, «Шофайзий» маҳалласи:***

— Бу йил лойиҳа доирасидаги тадбирларда соғлом бола тарбияси билан боғлиқ масалалар алоҳида эътиборда бўлиши керак, деб ўйлайман. Чунки болаларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиши у ўсиб-улғаяётган маҳалладаги муҳитга ҳар томонлама боғлиқ эканини яхши биламиз. Шу боис ҳам бугун маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти билан бирга ёшлар тарбияси, эрта никоҳлар, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказишга янада кенг эътибор қаратишимиз керак.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Турсунбоев, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими масъул ходими Дилфуза Назарова аҳолининг манзилли ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ қонун ва қарорлар ижроси, бу борадаги муҳим вазифалар хусусида фикр билдиришди.

Тадбир давомида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилиб, электорат вакилларини ўйлантираётган масалалар ўрганилди, депутатлар томонидан мурожаатлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

*Биз ўтган 2013 йилда вилоят бошқарма бошлиқлари ҳисоботларини тингладик.*

# Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда

## партия ташкилотларининг вазифалари

— Бугун ЎзХДПнинг ҳар бир депутатлик гуруҳи асосий эътиборни ижтимоий масалаларга боғлиқ бўлган қонунлар ва бошқа давлат қарорлари бажарилишини депутатлик назорати тартибида изчил ўрганишга қаратиши лозим, — деди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Маҳмуджон Маҳкамов.** — Иккинчи йўналиш — ўрганиш натижасида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифларимизни тегишли маҳаллий Кенгаш сессияси ёки доимий комиссиялар йиғилишлари муҳокамасига киритиш. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳларимизнинг тегишли давлат органлари мансабдор шахсларининг электоратимиз учун муҳим бўлган ижтимоий масалалар бўйича ҳисоботларини сессияда эшитиш тажрибасидан кенг фойдаланишимиз лозим. Зеро, улар нафақат ўзларининг юқори ташкилотлар ёки ижро ҳокимияти олдидаги, балки аҳоли, унинг намояндаларидан иборат бўлган вакиллик ҳокимияти олдидаги масъулиятини ҳам чуқур ҳис қилсин. Биз ўтган 2013 йилда бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳларидан фарқли ўлароқ вилоят бошқарма бошлиқлари ҳисоботларини тингладик. Келажакда бу тажрибани мустаҳкамлаб бориш керак бўлади.

— Сиёсий партияларнинг кучи, аввало, мамлакат парламентида қабул қилинаётган қонунлар муҳокамасида ўз электорати манфаатларини изчил ҳимоя қилиш ва у билан боғлиқ меъёрларни таклиф этиш ҳамда қабул қилинишига эришишида, — дейди **Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Шуҳратжон Нишонбоев.** — Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси бу борада астойдил ҳаракат қилаяпти. Шунингдек, фракция ҳали ўз фаолиятини янада такомиллаштириши керак, деб ҳисоблайман. Менимча, қонун лойиҳаларини партия электорати ўртасида муҳокама қилиш амалиётини кенгайтириш зарур. Фақатгина Фарғона вилоятидаги маҳаллий Кенгашларда ЎзХДП вакили бўлган 238 нафар депутат фаолият кўрсатади. Шу сабабли ҳам қонун лойиҳаларини дастлаб қуйида, партия депутатлик гуруҳларида фракция аъзолари иштирокида муҳокама этишни изчил йўлга қўйиш зарур. Шунда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар партия фракциясининг парламентдаги муносабатини шакллантиришда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

— Партиянинг 2014 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида аввалги йиллардаги каби аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари ташкил этиш устувор йўналиш сифатида сақланиб қолиниши зарур, — деди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Азимжон Сулаймонов.** — Биз эса барқарор иш ўринлари ташкил этилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, бу борада янги-янги ташаббуслар билан чиқаверишимиз керак. Чунки янги очилган иш жойларида бизнинг электоратимиз вакиллари бандлиги таъминланади. Шунинг билан бирга ҳудуддаги кўпгина ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам ҳал этилади.

Давоми. Боши 1-бетда.



М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

— Партиялараро рақобат ҳам айнан ана шундай амалий ҳаракатлар асосида олиб борилса, бундан жамиятнинг барча қатлами манфаатдор бўлади, — деди **ЎзХДП Учкўприк туман кенгаши раиси Илҳомжон Каримов.** — Демак, амалий ташаббусларни кучайтириш билан бирга, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари даражасида қарорлар қабул қилиш пайтида аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатини ифодалайдиган аниқ позициямизни қатъият билан илгари суришимиз ҳамда ҳимоя қилишимиз талаб этилади.

Семинарда ЎзХДП фаолиятининг амалий натижаларини аҳоли қай даражада билиши, тарғибот-ташвиқот ишларидаги камчиликлар ҳам эътибордан четда қолмади.

— Шуни очиқ тан олиш керакки, кўп ҳолларда биз фақат ўз фаолларимиз билан дастурий йўналишларимизни муҳокама қиламиз, — деди **ЎзХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси Умматали Маҳмудов.** — Биз ўз электоратимиз деб ҳисоблаган инсонлар кўпинча бундан бехабар қолади. Уларнинг ижтимоий манфаатларини партиямиз қандай ҳимоя қилаётгани ва бу борада қандай амалий натижаларга эришаётгани ҳақида изчил равишда ҳар бир маҳалла, мавзеда мақсадга йўналтирилган тушунтириш ишларини ташкил этишимиз керак. Бунда партиямиз бевосита электорат манфаатларига оид иқтисодий, ижтимоий, сиёсий масалалар бўйича қандай позицияга эга эканлигини тушунтириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Баҳс-мунозаралар чоғида Умматали Маҳмудов таклифи янада тўлдирилди.

— Шуниси муҳимки, биз фақат ЎзХДП позициясини баён этибгина қолмай, партиямиз бошқа сиёсий партиялардан нимаси билан фарқ қилишини ҳам очиб беришимиз зарур, — деди **Маҳмуджон Маҳкамов.** — Бунинг учун эса ўз навбатида бошқа партиялар позициясини ҳам аниқ билишимиз керак.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Жўрақўзи Қўлдошев, Мастура Сайфиддинова, Олий Мажлис Сенати аъзоси Раҳима Қўрғонова иштирок этди ва барча масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Семинарда ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг 2014 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

**Тадбир давомида рамзий «Идрок» дарахти муаммолар япроғи, ечимлар гули ва таклифлар меваси билан тўлди.**



Расулбек САЪДУЛЛАЕВ олган сурат.

# Етакчининг салоҳияти

## юқори бўлса, ҳар қандай масалага ечим топилади

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши томонидан «Фаол аёллар» қаноти етакчиларининг сиёсий салоҳияти ва тажрибасини оширишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

Семинар ҳақида **Хоразм вилоят партия кенгаши Хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими мудири Нодира Одамбоева** шундай дейди:

— Ўқувни ноанъанавий шаклда ташкил этдик. Бунда ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол усуллардан фойдаландик. Машғулотлар якуни бўйича ҳар бир кичик гуруҳнинг тақдимотлари таҳлил қилинди ва экспертлар томонидан баҳолаб борилди. Бу эса қанот етакчиларига ўз фикрларини очиқ баён қилиш, мавжуд муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим топиш, фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди. Тадбир давомида рамзий «Идрок» дарахти муаммолар япроғи, ечимлар гули ва таклифлар меваси билан тўлди.

Семинарда вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, «Фаол аёллар» қаноти туман ва шаҳар бўлимлари етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассислари иштирок этди. Асосий эътибор хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда етакчилар ҳамда депутатлар ҳамкорлигини тўғри ва тизимли йўлга қўйиш, етакчиларда аъзолар билан ишлаш кўникмасини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Тадбирда, шунингдек, «Фаол аёллар» қаноти фаолиятига оид ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди. Етакчиларнинг семинар давомида олган билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди. Тадбир иштирокчилари бундай семинар-тренингларни ҳудудий партия ташкилотларида ҳам ўтказишга келишиб олишди.

**Васила СОБИРОВА,**
**Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

*Тадбирга вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 220 нафар бола таклиф этилди.*

# Хайрия тадбирлари

**Самарқанд шаҳрида хизмат чоғида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ички ишлар идоралари, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун хайрия тадбири уюштирилди.**

Тадбирга вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 220 нафар бола таклиф этилди. Уларга байрам совғаларини вилоят ҳокими З.Мирзаев, вилоят прокурори Б.Деҳқанов, ИИБ бошлиғи Ф.Қувондиқов ва бошқа масъул раҳбарлар топширди. Шундан сўнг вилоят театри ҳамда қўғирчоқ театр жамоалари иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоятдаги 6-, 9-, 10-, 11-сон Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига байрам дастурхони ташкил қилиниб, совғалар улашилди.

Хайрия тадбирлари болажонларга олам-олам қувонч бағишлади.

**Мунис УСМАНОВ,**
**Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби.**

# Ватан ҳимояси — олий шараф!

**14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

*Анзор — кутилган фарзанд маъносини билдиради*

# Тинчлигимиз посбонлари



Бугун Қуролли Кучларимиз сафида юксак билимли, тажрибали ва ўз касбининг фидойиси бўлган офицерлар жуда кўп. Катта лейтенант Анзор Мейлиев ана шундай жасур ўғлонлардан бири.

— Болалигимда шўх бўлганман, — дейди Анзор кулиб. — Мактабдан келибоқ кўчага югурардим. Ўртоқларим билан бир зумда йиғилишиб, футбол ўйнардик ёки чўмилгани борардик. Ўйин кетидан қувиб, кеч бўлганини сезмай ҳам қолардик. Онам бизнинг ўқишимизга жуда қаттиқ турарди. Шу боис дарс қилиб бўлмагунимизча кўчага чиқармасдилар.

**— Анзор жуда камдан-кам учрайдиган исмлардан. Исмингизнинг маъносини биласизми? — сўрайман суҳбатдошимдан.**

— Бу ҳақда жуда кўпчилик сўраган, — дейди у кулиб. — Анзор — кутилган фарзанд, деган маънони билдиради. Исмимнинг ўзига хос тарихи бор. Дадам ҳарбий хизматга борганларида Анзор исмли бир йигит билан дўстлашган экан. У киши бир гал: «Анзор жуда ғайратли, меҳрибон ва очиққўнгил йигит эди. Ҳеч қачон бошқалардан ёрдамини аямасди. Ҳалигача ҳақиқий дўст деганда, у кўз олдимда гавдаланади. Ўғлим, мен ана шу инсонга ҳавас қилиб, исмингни Анзор қўйганман, деб айтганлари хотирамда муҳрланган...

Ҳарбий касбга қизиқишим 7-синфга ўтганимда пайдо бўлган. Бир куни кечки дастурхон устида дадам ўртоқлари Фазлиддин аканинг ўғли Самарқанддаги ҳарбий академик лицейга ўқишга кирганини айтиб қолдилар. Шу кундан бошлаб менда ҳам ўша лицейда таҳсил олиш истаги туғилди. Орадан икки йил ўтгандан сўнг Самарқанддаги ҳарбий академик лицейга ўқишга кирдим. У ерни битириб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсилни давом эттирдим.

Шундай қилиб, бўлажак офицер учун ўқиш ва изланишлар даври бошланди. Ўқишга киргани билан ўз зиммасидаги масъулият енгиллашиб қолмаслигини, аксинча, янада ортишини таҳсилнинг дастлабки кунлариданоқ англаб етган курсант йигит энди берилаётган сабоқлар мобайнида ўзи учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни астойдил ўзлаштиришга киришди.

Ниҳоят, Анзор Мейлиев олий ҳарбий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлади.

У офицер сифатида хизматни бошлаган илк кезларданоқ устозларидан олган билимларга таянган ҳолда дадил қадам ташлади, қийинчиликлардан чўчимади, бошқаларга ўрнак бўлди. Астойдил қилинган меҳнат тез орада ўз самарасини кўрсатди. 2012-2013 йиллар мобайнида Мудофаа вазирлиги қўшинлари бўлинмалари гуруҳлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда катта лейтенант Анзор Мейлиев гуруҳи барча йўналишлар бўйича энг юқори натижаларга эришиб, «Энг илғор гуруҳ» номига сазовор бўлди.

2013 йил ёш офицер учун янада қувончли келди. У Президентимиз Фармонига биноан давлатимизнинг юксак мукофоти — «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

**Гулнора ТУРСУНБОЕВА**

## Футбол

# Янги мавсум тараддуди

Айни кунларда футбол бўйича мамлакатимиз олий лига жамоалари Ўзбекистон XXIII миллий чемпионатига ҳозирлик кўрмоқда.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида бош мураббий бўлиб келган Муроджон Исмоилов янги мавсумда Фарғонанинг «Нефтчи» футбол клубида иш бошлайдиган бўлди. Ўз вақтида Ғузорнинг «Шўртан» жамоасида ижобий натижалар қайд этган мутахассис Эдгар Гесс «Бухоро» футбол клуби билан шартнома имзолади.

Сўнгги йилларда олий лигада қуйи поғоналарни банд этиб келаётган Наманганнинг «Навбаҳор» футбол клуби мураббийлар штабида ҳам ўзгариш юз берди. Ўтган мавсумда «Гулистон» жамоасини бошқарган Бахтиёр Ашурматов куни кеча наманганликлар билан шартнома тузди.

Мамлакатимиз жамоалари бу йил мавсумни одатдагидан анча барвақт бошлайди. Жумладан, Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичига йўлланма олишни кўзлаётган Қаршининг «Насаф», Тошкентнинг «Локомотив» жамоалари 8 февраль куни «плей-офф» учрашувларида майдонга чиқади.

Асосий таркибнинг ўзагини сақлаб қолишга муваффақ бўлган қаршиликлар кеча Анталияга жўнаб кетди. Туркияда 24 январга қадар ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинида «Насаф» вакиллари Европа ва Осиёнинг бир қатор номдор жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштирган. «Локомотив» аъзолари эса бугун ўқув-машғулот йиғини ўтказиш учун Бирлашган Араб Амирликларига йўл олади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон XXIII миллий чемпионати олий лига жамоалари дастлабки тур ўйинларини 15 март куни ўтказади.

**Эркин ХОЛБОБО**

# Келин-куёвларга туҳфа

**Яқинда Чироқчи тумани марказида қўшқаватли янги бино қад ростлади. Лойиҳаси ўзига хос, кўрки ва таровати ҳавасингизни келтиради.**

— Қувонарлиси шундаки, янги ФҲДЁ биноси Янги йил байрами арафасида ишга тушди, — дейди Чироқчи туман фуқаролик ҳолати далолатларини ёзиш бўлими мудираси Мавлуда Очилова. — Юртбошимиз 2014 йилни «Соғлом бола йили», деб эълон қилар экан, жумладан, «...соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир», — дея таъкидладилар. Бу борада бизнинг олдимизда ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Ҳозир туманимиз аҳолиси 400 минг кишига яқин. Ўтган йили бўлимимиз орқали 300 га яқин янги оила рўйхатдан ўтди. Янги бинода келин-куёвлар никоҳдан ўтишлари учун алоҳида хона, «тантаналар зали» байрамона жиҳозланган. Ҳар ойда бир маротаба «ёш ота-оналар мактаби» машғулоти ўтказилади.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Реклама**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
## ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона вилоят, Фарғона шаҳар, Гулистон кўчасидаги вилоят онкология шифохонасини мукаммал реконструкция қилиш ишлари».

*Бошланғич нархи:* 2 039 219 679 сўм ҚҚС билан, 1 699 349 733 сўм ҚҚСсиз.

***Муддати*** — 1.08.2014 йил.

***Буюртмачи:*** «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

***Манзил:*** Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, тел: (373) 400-52-80.

***Қурилиш-монтаж ишлари:*** Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 373-244-55-32.***

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

## Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2014 йил Манзилли дастурига киритилган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т.р. | Объект номи | Бошланғич қиймати, млн. сўм | | Ишларни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС сиз | ҚҚС билан | |
| Лот № 17 | | | | |
| Лот № 17-1: | Жиззах вилояти, Арнасой туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. | 912,051 | 1094,461 | 2014 йил 1 октябргача |
| Лот № 17-2: | Жиззах вилояти, Ғаллаорол туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш. | 2569,856 | 3083,827 | |
| Лот № 17-3 | Жиззах вилояти, Фориш туманидаги 10-сон мактабни капитал реконструкция қилиш: 210 ўқувчи ўринли ўқув блоки ва 9x18 м спорт зали қурилиши | 748,106 | 897,727 | 2014 йил 1 августгача |

Ишларни молиялаштириш **Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Буюртмачи манзили:***

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй.

***Телефон:*** (8372) 222-46-40, 222-26-41.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 ва 150 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офертaларни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй (вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), мажлислар зали.


## Спорт

# Самарқанднинг Алпомиш ва Барчинойлари

Самарқанд вилоятида «Алпомиш» ва «Барчиной» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Мазкур беллашувларда 5 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳоли вакиллари иштирок этди. Вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди.

— Ушбу мусобақалар оммавий спортни янада ривожлантиришга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга хизмат қилади. — дейди Самарқанд вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Рўзиев. — Ўтган 2013 йилда вилоятимиз бир неча бор халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилди. Бу ҳам ўз навбатида ёшларимизда спортга бўлган интилишни янада кучайтиришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд спорт шаҳрига айланиб бормоқда.

Мусобақаларда вилоятдаги 1105 та маҳалла фуқаролари, 300 минг нафардан зиёд ўқувчи, 23 минг нафар талаба, 11 минг нафардан зиёд турли ташкилот ходимлари иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**

**ОБ-ҲАВО** *11-12 – 01. 2014*

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | -6 / -11 | -3 / +2 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | -6 / -11 | -3 / +2 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | -2 / -7 | +2 / +7 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | 0 / -5 | +5 / +10 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | -3 / -8 | +2 / +7 |
| *Тошкент шаҳри* | -4 / -6 | +4 / +6 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| *Лондон* | +8 / +11 |
| *Париж* | +11 / +12 |
| *Москва* | 0 / -5 |
| *Мадрид* | +13 / +10 |
| *Кейптаун* | +26 / +26 |
| *Қоҳира* | +20 / +21 |
| *Гавана* | +29 / +30 |
| *Вашингтон* | +16 / +10 |

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари **Учқун ШОЙИМҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)



BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.



Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
21183 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.40
Topshirilgan vaqti — 02.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5